

Нурга тўлган шаҳар



11:23 / 28.07.2025 1370

Мадинаи Мунавварага кўчишнинг биринчи йили Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бошчилигида мазкур шаҳар яқинидаги Қубо қишлоғида илк масжид қурилди. Унда илк жума намози адо этилди. Ушбу жума намози ўқилган жойга кейинчалик масжид солиниб, «Жумъа масжиди» деб номланди.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг одати шарифаларидан бири шу эдики, У зот соллalloҳу алайҳи васаллам ўзида нохушроқ маънолар бўлган нарсаларнинг номини хуш ва ёқимли маъноларга ўзгартирардилар. Аввал Мадина шаҳрининг номи Ясриб эди. Бироқ, мазкур сўз, «сўкиш, маломат қилиш» маъноларини ўз ичига олган “بیرثت” сўзидан олинганлиги учун Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу шаҳар номини яхшироқ исмга ўзгартиришни истадилар. «Ясриб»нинг яна бир маъноси «бузилган,

айниган, фасодга юз тутган» маъноларини англатарди. Пайғамбар ҳижрат қилган шаҳар эса асло бундай номни ўзида ташиши мумкин эмас. Шу боис, Набий алайҳиссалом бу шаҳар номини хуш ва покиза (шаҳар) маъноларини англатувчи «Тоба» ёхуд «Тойба» деб атадилар.

Баъзи манбаларда мазкур шаҳарни илк бунёд этган шахснинг номи «Ясриб» бўлган дейилади. Шунингдек, «ясриб» Мадина шаҳрининг бир чеккасидаги жойнинг номи бўлган деган қарашлар ҳам бор.

Гарчи, Набий алайҳиссалом Ясрибни «Тоба» ёки «Тойба»га ўзгартирган бўлсалар-да, аммо, одамлар томонидан мазкур шаҳарга «Мадинатур Расул», «Мадинатун Набий» (Пайғамбар шаҳри) деган сўзни ишлатиш кўпроқ урф бўлди ва бу ном кейинчалик қисқариб «Мадина», «Мадинаи Мунаввара» деб айтила бошлади.

Уламоларнинг айтишларича, Набий алайҳиссалом мазкур шаҳарнинг номини ўзгартирганларидан сўнг уни эски номи бўлмиш «Ясриб» деб аташ макруҳ ҳисобланади.

«Ал-Мадинатул Мунаввара», яъни «Нурафшон бўлган, нурга эга бўлган шаҳар» деб номланишига сабаб равшан: Аллоҳнинг Расули кириши билан бу шаҳарга ҳақиқатан ва ҳақиқий нур ва зиё кирди. Шунинг учун ҳам бу шаҳарга «Мадинаи Мунаввара» (Мунаввар шаҳар) номи ёлиб келди.

Анас розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага кирган кунлари Мадинадаги ҳамма нарса ёришиб кетди. Қачонки, вафот этган кунлари бўлганда эса ундаги ҳамма нарса қоронғу бўлиб қолди».

Ибн Можа ривояти.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2025 йил 22 июлдаги 03-07/4389-сонли рухсати асосида тақдим қилинди.